

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Daic. C.Morse, Jeroid L.Zimmerman. Menageral Accounting. – Irwin, 1997. P. 12.
2. Penne Ainsworih, Dan Deines, R.David Piumlee, Cathy Xanthaky Larson, Introduction to Accounting: An integrated Approach, – Irwin, Prined in USA 1997. P. 30.
3. Robert W., Antony F., James S. Reece "Accounting principles". 1983. – 367 p.
4. Волкова ОН. Управленческий учёт. Учеб. – М.: ТК Велби, Издателгство Проспект, 2006.
5. Качалин ВВ. Финансовый учет и отчетность в соответствии со стандартами GAAP. – М.: Дело, 2007. С. 400.
6. Соколов Я.В, Соколов В.Я. История бухгалтерского учета. – М.: Финансы и статистика, 2006. С. 243.
7. Темур тузуклари. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – 184 б.
8. Курбанов З.Н. Солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг назарий масалалари. // "Молия ва банк иши" илмий-электрон журнали. 4-сон. июль-август, 2019.
9. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 2022 й.
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг "“Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорга қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами – 3221-1].
11. Курбанов З.Н. Солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг назарий масалалари. // "Молия ва банк иши" илмий-электрон журнали. 2019 йил. 4-сон, 71-77 б.
12. Исаев Ф.И. Солиқ таҳлили методикасини такомиллаштириш. Монография. – Т.: Молия, 2019. – 146 б.
13. Курбанов З.Н. Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобининг муаммолари. // "Логистика ва иқтисодиёт" илмий-электрон журнали, 2020 йил 3-сон, 96-102-бетлар.
14. Исаев Ф.И. Солиқ таҳлилининг назарий масалалари ва ҳисоб-ахборот таъминоти. "Молия ва банк иши" илмий-электрон журнали. 2020. 3-сон. 116-124-б.
15. Исаев Ф.И. Солиқ таҳлили: назария ва амалиёт. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2021. – 150 б.
16. Kurbanov Z.N. Problems of Audit Organization in the Context of Digitalization of the Economy. Journal of Economics, Finance and Management Studies. ISSN(print): 2644-0490, ISSN(online): 2644-0504. Volume 4 Issue 05 May 2021. Article DOI: 10.47191/jefms/v4-i3-08, Impact Factor: 6.228. Page 460-463.
17. Исаев Ф.И. Солиқ таҳлили методологиясининг назарий асослари. // "Иқтисодиёт ва таълим" илмий журнали, 2021. 3-сон. 75-81-б. (08.00.00; 11-сон).
18. Курбанов З.Н., Назаров А.К. Ўзбекистон Республикасида фискал ва солиқ сиёсатларининг асосий йўналишлари. // "Логистика ва иқтисодиёт" илмий-электрон журнали, 2021 йил, 31-сон, 177-184-б.
19. Исаев Ф.И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 2021. 3-сон. 367-377-б. (08.00.00; 10-сон).
20. Исаев Ф.И. Солиқ текширувларини рақамлаштириш зарурати. // "Бизнес-эксперт" илмий журнали. 2021. 6-сон. 52-54-б
21. Kalonov M. B. "Improving the organization of accounting and cost analysis of provision of cars." (2018): 128-129.
22. Kurbanov, Ziyat Niyazovich, and Komil Khotamov. "Issues of improving analysis of taxes." Социально-экономическое развитие России и регионов в цифрах статистики. 2017.
23. Niyazovich, Kurbanov Ziyat. "Organization of Tax Audit in the Republic of Uzbekistan." International Journal of Research in Social Sciences 10.4 (2020): 34-43.
24. Исаев Ф. (2021). Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. Экономика и образование, (6), 86–91. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>
25. Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилдан фойдаланишни такомиллаштириш // Экономика и образование. – 2021. – №. 4. – С. 172-176.
26. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа // актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации. – 2017. – С. 246-254.
27. Калонов М.Б. Анализ структуры затрат при производстве автотранспортных услуг // Политика, экономика и социальная сфера: проблемы взаимодействия. – 2017. – С. 76-79.



СОЛИҚ ХАРАЖАТЛАРИ КОРХОНА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА

Акрамов Фарход Артыкбаевич -
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси мустақил тадқиқотчиси

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a26

Аннотация: Мақолада солиқ харажатлари корхона харажатларининг таркибий қисми сифатида ўрганилиб, иқтисодчи олимларнинг "солиқ харажати" тушунчасига нисбатан тадқиқотлари ўрганилган ҳамда хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: харажат, нарх, товар, ишлаб чиқариш, маҳсулот, реализация.

НАЛОГОВЫЕ РАСХОДЫ КАК СОСТАВНАЯ ЧАСТЬ РАСХОДОВ ПРЕДПРИЯТИЯ

Акромов Фарход Артыкбаевич -

Независимый научный сотрудник Академии
банковского дела и финансов Республики Узбекистан

Аннотация: В статье рассматриваются налоговые расходы как составляющая затрат предприятия, анализируются исследования экономистов относительно понятия «налоговые расходы» и формулируются выводы и предложения.

Ключевые слова: себестоимость, цена, товар, производство, продукт, реализация.

TAX EXPENSES AS A COMPONENT OF ENTERPRISE EXPENSES

Akramov Farkhod Artykbaevich -

Independent researcher of the Academy of
Banking and Finance of the Republic of Uzbekistan

Abstract: The article examines tax costs as a component of enterprise costs, examines the research of economists regarding the concept of "tax cost" and formulates conclusions and suggestions.

Key words: cost, price, commodity, production, product, realization.

Кириш. Бугунги бозор иқтисодиёти ша-роитида рақобатнинг кучайиши ва глобалла-шув омиллари, ишлаб чиқариш жараёнининг мураккаблашиши корхоналарни харажатлар ҳисоби ва уларнинг фаолияти натижаларини қуришда янги ёндашувларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Хўжалик юритувчи субъект-нинг харажатлари корхона ҳисоб сиёсатида муҳим аҳамият касб этади. Кўпгина иқтисод-чилар, бухгалтерлар, молиячилар, менежер-лар операцион, тактик ва стратегик бошқарув вазибаларини ҳал қилиш жараёнида харажат-лар тушунчасидан фойдаланиб, унга бошқача маъно беради. Шу билан бирга, замонавий бизнес шароитида молиявий натижани (фой-да ёки зарар) ишончли шакллантириш учун ушбу концепцияни тўғри талқин қилиш му-ҳимдир. Бухгалтерия ҳисобида мавжуд бўлган белгиланган таърифларга асосланиб, хара-жатлар хўжалик фаолиятида истеъмол қили-надиган ва ҳали харажатлар сифатида тан олинмаган ва тугалланмаган ишлаб чиқариш-да, тайёр маҳсулотда, жўнатилган товарларда ва ҳоказоларда акс эттирилган ресурслардир деб талқин қилинмоқда.

Адабиётлар таҳлили. Бундан кўриниб турибдики, солиқ ва йиғимлар хўжалик юри-тувчи субъектлар учун харажатлар экан. Бу борада биз олдинги чоп этилган илмий мақо-ламизда ўз фикримизни билдирганмиз [1].

“Солиқлар ва йиғимлар” ёки “солиқ маж-бурияти” корхона учун харажат бўлса, бу ту-шунчаларнинг харажат сифатида моҳиятини кўриб чиқишимиз зарур. Бу борада З.Н.Қурба-

нов корхона харажатлари биринчидан, унинг молиявий натижаларини аниқлашда қатнаш-са, иккинчидан, солиққа тортиш базасини аниқлашда қатнашади. Солиққа тортиш база-сини аниқлашда қатнашиши натижасида соли-қ харажатлари тушунчаси намоён бўлади. “Солиқ харажатлари” тушунчаси янги иқтисод-дий категория эмас, балки бу тушунчани биз кўпроқ солиқ ва бошқа мажбурий ажратма-ларга тўловлар сифатида қўллаб келганмиз [2] деган фикрни билдирган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқ-ланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни иш-лаб чиқариш ва сотиш харажатларининг тар-киби ҳамда молиявий натижаларни шакллан-тириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг “Бош-қа операцион харажатлар” таркибида солиқ тўловлари харажат сифатида қуйидагича баён этилган: “Амалдаги қонун ҳужжатларига му-вофиқ амалга ошириладиган ва хўжалик юри-тувчи субъект харажатларига киритиладиган бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар, йи-ғимлар, давлат мақсадли жамғармаларига аж-ратмалар” [3].

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стан-дарти “Фойдадан солиқлар” номли 12-сонли стандартда солиқ харажатида қуйидагича “Солиқ харажати – бу давр фойдаси ёки зарарини аниқлашда ҳисобга олинган жорий ва муддати узайтирилган солиқ бўйича умумий сумма” – таъриф берилган [4].

М.Ф.Сафонованинг фикрича: Солиқ тў-ловлари фойдадан чегирилувчи харажатлар

бўлиб, корхонанинг молиявий оқимининг асосий улушини ташкил қилади. Солиқ тўловлари корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятининг барча босқичларида шаклланади, бир томондан маҳсулот баҳосининг элементи таркибига киради, иккинчи томондан ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир кўрсатади ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим омиллардан саналади[5].

Д.В.Симоновнинг фикрича “солиқ харажатлари – бу хўжалик юритувчи субъектнинг солиқлар, йиғимлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларни пайдо бўлиши ва бажарилиши билан боғлиқ харажатлар йиғиндисидир. Корхонада барча солиқ харажатлари бевосита ва билвосита харажатларга бўлиниши керак” [6].

Е.Г. Дедковнинг ёзишича: Солиқ харажатлари бу – солиқ тўловчининг бюджет олдигаги мажбуриятларини пайдо бўлиши, хизмат кўрсатилиши ва бажарилиши билан боғлиқ бўлган корхонанинг харажатлари йиғиндисидир[7].

Д.В.Симонов ва Е.Г.Дедковлар томонидан берилган таърифларда солиқ харажатларини солиқ мажбуриятларидан иборатлиги кўрсатилган.Бизнинг фикримизча, солиқ харажатлари таркиби фақат солиқ мажбуриятларидан иборат эмас, балки унга нисбатан кенгроқ таркибдан иборат деган хулоса қилдик.

З.Н.Қурбанов солиқ харажатлари тушунчасига қуйидагича таъриф берган: Солиқ харажатлари – бу хўжалик юритувчи субъектнинг (солиқ тўловчининг) бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмаларга тўловлари, солиққа тортишни ташкил этиш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар йиғиндисидир[2].

А.Абдуллаев ўзининг илмий ишларида солиқ харажатларини қуйидагича эътироф этган: Солиқ харажатлари – бу солиқ тўловлари базасини аниқлаш, уларни ҳисобга олиш ва тўлаш, солиқ ҳисоботларини тузиш ва тақдим этиш, солиқ назорати (аудити)ни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар йиғиндисидир[8].

Бизнинг фикримизча, З.Н.Қурбанов ва А.Абдуллаевларнинг солиқ харажатларига берган таърифларида фақат солиқлар билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинди, йиғимлар билан боғлиқ харажатлар чет қолган. Шунингдек, амалдаги Солиқ Кодекси нормаларига мос эмас.

Солиқ харажатларини тўғри ҳисобга олиш ва назорат қилиш учун улар таркибини

ўрганиш зарур.

С.А.Смирнова солиқ харажатларини назорат қилиш ва бошқариш учун уларни тизимга келтиришни таклиф қилади[9]. Бир гуруҳ иқтисодчилар ушбуни амалга ошириш мақсадида солиқ харажатларини тизимлашга ва таркибини беришга ҳаракат қилишган. Жумладан, З.Н. Қурбанов солиқ харажатлари таркибига қуйидагиларни киритган:

- солиқ ва бошқа мажбурий ажратмаларга тўловлар суммалари;

- солиқ органлари томонидан қўшимча ҳисобланган солиқ суммалари (камерал ва ҳужжатли текширишлар натижасида), пенялар, жарима суммалари;

- солиқларни режалаштириш, ҳисобга олиш, солиқ маслаҳати, солиқ ҳуқуқи, солиқ аудити бўйича харажатлар;

- солиқлар бўйича ҳисоботларни электрон шаклда тузиш, дастурий маҳсулларни сотиб олиш, ўрнатиш ва фойдаланиш харажатлари;

- солиқ тўловларини вақтида амалга ошириш мақсадида кредитлардан фойдаланганлиги учун фоиз харажатлари;

- бошқа харажатлар [2].

М.Ф.Сафонованинг фикрича, солиқ харажатларига ҳисобланган солиқ мажбуриятларидан ташқари қуйидагилар ҳам киради:

- ахборот характеридаги харажатлар – иқтисодий субъектнинг солиққа тортиш тизимини ўрганишдаги маълумотларни мониторинг қилишда фойдаланадиган вақтинчалик ва ресурс потенциали;

- корхонанинг назорат ва таҳлилни ташкил қилиш харажатлари, яъни бўлим, ички солиқ аудити хизматини шакллантириш харажатлари;

- ташқи солиқ назорати харажатлари, уларга иқтисодий субъектнинг солиққа тортиш тизимини текшириш доирасидаги ташқи аудит ва консалтинг ўтказиш харажатлари киради;

- солиқ тўловчи сифатидаги иқтисодий субъектнинг хатолари ва ноҳўя ҳаракатлари билан боғлиқ харажатлар, солиқ қонунчилигига риоя қилмаганлиги учун ҳисобланган жарима суммалари, пенялар;

- қўшимча харажатлар, солиқ мажбуриятларини сўндириш ва бошқа солиқ харажатларини қоплаш учун олинган кредит фоизлари кўринишидаги харажатлар [11].

А.Абдуллаев солиқ харажатлари таркибига қуйидагиларни киритишни таклиф қилган:

- солиқ ва бошқа мажбурий ажратмаларга ҳисобланган тўловлар суммалари;

- солиқ органлари томонидан текширишлар натижасида қўшимча ҳисобланган солиқ суммалари, пенялар, жарима суммалари;

- солиқларни режалаштириш, ҳисобга олиш, солиқ маслаҳати, солиқ ҳуқуқи, солиқ аудити ўтказиш бўйича харажатлар;

- солиқ ҳисоботларини электрон шаклда тузиш, дастурий маҳсулларни сотиб олиш, ўрнатиш ва фойдаланиш бўйича харажатлар;

- солиқлар бўйича боқиманда суммаларни сўндириш ва бошқа солиқ харажатларини қоплаш учун олинган кредит фоизлари кўринишидаги харажатлар;

- солиқ тўловчиларга солиқни тўлаш муддати узайтирилганда уларга ҳисобланган фоизлар кўринишидаги харажатлар;

- солиқ тўловлари билан боғлиқ бошқа харажатлар[12].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Хўжалик юридувчи субъектларнинг харажатлари таркибида солиқ харажатларининг ўз ўрни бор. Солиқ харажатларининг моҳиятини очиб бериш учун солиқ тушунчасининг иқтисодий моҳиятини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 16-моддаси солиқлар ва йиғимлар қуйидагича эътироф этилган:

“Солиқ деганда ушбу Кодексда белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига (бундан буён матнда бюджет тизими деб юритилади) тўланадиган мажбурий беғараз тўлов тушунилади.

Йиғим деганда бюджет тизимига ушбу Кодексда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган мажбурий тўлов тушунилади, бу йиғимнинг тўланиши уни тўловчи шахсга нисбатан ваколатли орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан унга муайян ҳуқуқларни ёхуд руҳсат этувчи ҳужжатларни бериш шартларидан бири бўлади” [13].

Кодекснинг 17-моддасида эса солиқлар ва йиғимларнинг турлари келтирилган: “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги солиқлар белгиланади:

1) қўшилган қиймат солиғи;

2) акциз солиғи;

3) фойда солиғи;

4) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

5) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

5*) фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғи;

6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

7) мол-мулк солиғи;

8) ер солиғи;

9) ижтимоий солиқ” [13].

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-741-сонли Қонунига асосан Кодекснинг 17-моддасининг 5*-банди “фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғи” билан тўлдирилган[14].

Солиқлар ва йиғимларнинг ҳисоблаш асосида солиқ тўловчининг солиқ мажбурияти пайдо бўлади. Солиқ мажбурияти Кодексда қуйидагича эътироф этилган:

Солиқ тўғрисидаги қонунчилик билан солиқ тўловчилар зиммасига юклатилган солиқларни ва йиғимларни тўғри ҳисоблаб чиқариш ҳамда ўз вақтида тўлаш мажбурияти уларнинг солиқ мажбуриятидир.

Солиқ тўғрисидаги қонунчилик билан солиқ агентларининг зиммасига юклатилган, ўзига нисбатан ушбу шахслар солиқ агентлари деб эътироф этиладиган муносабатлар доирасида солиқларни тўғри ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва ўз вақтида ўтказиш мажбурияти солиқ мажбуриятига тенглаштирилади[13].

Солиқларни ҳисобланиши ва солиқ мажбуриятларини пайдо бўлиши солиқ тўловчиларнинг харажатларини кўпайишига сабаб бўлади. Шунинг учун харажатларни тан олиш масаласини ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎРҚ-404-сонли Қонунининг 18-моддасида даромадлар ва харажатларни тан олиш қуйидагича эътироф этилган:

“Даромадлар ва харажатлар тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъий назар, қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ акс эттирилади” [15].

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 305-моддасида солиқ тўловчи томонидан Ўзбекистон Республикасида ҳам, унинг ҳудудидан ташқарида ҳам ҳисобот (солиқ) даври давомида амалга оширилган (кўрилган), асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқ-

ланган чиқимлари харажатлар деб эътироф этилади. Асосланган харажатлар деганда баҳоси пул шаклида ифодаланган, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар тушунилади [13].

Асосланган харажатлар деганда баҳоси пул шаклида ифодаланган, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар тушунилади.

Ҳар қандай чиқимлар, башарти улар ҳеч бўлмаганда қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ келган тақдирда, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар деб эътироф этилади:

1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса;

2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаб туриш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат қилса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса;

3) қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқса.

Ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар деганда қуйидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган чиқимлар тушунилади:

1) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар;

2) тегишли харажатлар амалга оширилган чет давлат ҳудудида қўлланиладиган тартибга мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар;

3) бошқа шаклда расмийлаштирилган, шу жумладан хизмат сафари тўғрисидаги буйруқ, йўл ҳужжатлари, шартномага мувофиқ кўрсатилган хизмат ҳақидаги ҳисобот билан расмийлаштирилган ҳужжатлар [16].

Россия Федерацияси Солиқ Кодексининг 252-моддасида харажатлар деганда солиқ тўловчи томонидан асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган чиқимлар харажатлар деб эътироф этилади. Ҳар қандай харажатлар, агар улар даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш учун қилинган бўлса, улар харажатлар сифатида тан олинади [17]. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, солиққа тортиш мақсадида харажатларни тан олиш қуйидаги мезонларга жавоб бериши зарур:

- харажатлар даромад олишга йўналтирилган бўлиши керак;

- харажатлар иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган бўлиши зарур;

- харажатлар ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Юқоридаги иқтисодчи олимларнинг

билдирган фикрларидан келиб чиққан ҳолда солиқ харажатлари таркибига қуйидагиларни киритишни тавсия этамиз:

- солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисобланган суммалари;

- солиқ текширишлари натижасида қўшимча ҳисобланган солиқ суммалари;

- ҳисобланган пенялар, жарима ва бошқа санкциялар суммалари;

- солиқларни ҳисобга олиш ва тўлаш билан боғлиқ харажатлар;

- солиқ маслаҳати, солиқ ҳуқуқи, солиқ аудити ўтказиш бўйича харажатлар;

- солиқ ҳисоботларини электрон шаклда тузиш, дастурий маҳсулларни сотиб олиш, ўрнатиш ва фойдаланиш бўйича харажатлар;

- солиқ тўловчиларга солиқни бўлиб бўлиб тўлаш ва муддати узайтириш бўйича ҳисобланган фоизлар кўринишидаги харажатлар;

- солиқ низоларини судда кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатлар;

- солиқлар ва йиғимлар билан боғлиқ бошқа харажатлар.

Хўжалик юритувчи субъектларда солиқ тўловларини амалга ошириш натижасида айланма маблағлар етишмовчилиги ёки вақтинчалик молиявий қийинчилик юзага келиши мумкин. Ушбу ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектларнинг қўшимча капиталга эҳтиёжи кескин ортади ва капитал жалб қилишнинг турли йўллари излай бошлайди. Аксарият ҳолларда тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлар, бошқа корхоналардан қисқа муддатли қарзлар жалб ва бошқа шу каби усуллардан фойдаланилади. Аммо, ушбу ҳолатлар натижасида тадбиркорлик субъектларида юзага келадиган маъмурий ва ташкилий жараёнлар ишлаб чиқариш фаолиятини секинлашуви, тўхтаб қолиши ёки буюртмаларни ўз вақтида бажара олмаслик каби салбий вазиятларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу боисдан, солиқ қарзларини тўлаш муддатларини узайтириш орқали корхона молиявий муаммоларини бартараф этиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, мазкур ҳолатларда давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини маълум фоизларни қўшиб тўлаш шarti билан кечиктириб тўлаш имконини бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунда солиқ тўловлари кечиктирилган давр учун тегишли фоизлар ҳисобланиб, узайтиридиган муддат тугагандан сўнг асосий солиқ қарзи билан қўшиб тўланади. Аммо, давлат солиқ хизмати органлари кечиктирилган солиқлар

ва уларнинг фоизлари кўринишидаги мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш усуллари сифатида гаров, кафолат, банк кафиллиги кабилардан фойдаланишлари тавсия қилинади. Ушбу таклифнинг асосий мазмуни солиқ тўловчиларга “солиқ кредит”ларини жорий қилишга қаратилган.


Бизнинг фикримизча “Солиқ кредити” деганда – солиқ ва йиғимлар бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини фоизлар ҳисоблаш ва солиқ мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш усуллари (гаров, кафолат, банк кафиллиги) қўллаш шarti билан кечиктириб тўлашдир.

Юқоридаги солиқ маъмурчилигини қўллаш натижасида хўжалик юритувчи субъектларда юзага келадиган харажатлар (ҳисоблан-

ган фоизлар, гаровни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар) солиқ харажатлари сифатида тан олинishi ва аналитик ҳисобда акс эттириб борилиши зарур деб ҳисоблаймиз. Чунки, ушбу харажатлар солиқ тўловлари муддатини узайтириш натижасида юзага келади.

Солиқ тўловчиларга фоизлар ҳисоблаш шarti билан солиқ мажбуриятлари бажарилишини кечиктириш имконини бериш асосида уларни Давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг янги тизими яратилади.

Юқоридаги фикрларимизни умумлаштириб, солиқ харажатларини икки гуруҳга, яъни бевосита солиқ харажатлари ва билвосита солиқ харажатларига бўлишни таклиф қиламиз (1-расм).



1-расм. Солиқ харажатларининг таркиби

Хулоса ва таклифлар. Биз томонимизда берилган аниқлаштирилган таъриф солиқ харажатларини иқтисодий моҳиятини очиб беради ва амалдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси нормаларига мос келади.

Биз томонимиздан таклиф қилинган солиқ харажатлари таркиби асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, харажатларни тўғри ҳисобга олишни, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини аниқлигини ҳамда солиқларни ҳисоблашнинг

объективлигини таъминлайди. Шунингдек, молиявий ва солиқ ҳисоботларидаги маълумотларнинг ишончлигини таъминлайди.

Тадқиқотлар натижасида “Солиқ харажатлари” тушунчасининг аниқлаштирилган таърифи берилди: Солиқ харажатлари – бу солиқ ва йиғим турлари бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш, ҳисобга олиш ва тўлаш, солиқ ҳисоботларини тузиш ва электрон тақдим этиш, солиқ текширувларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар йиғиндиси.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Курбанов З.Н., Акрамов Ф. *Харажатлар таркибини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мослаштириш масалалари. Biznes-Эксперт. №-6, 2016.*
2. Курбанов З.Н. *Солиқ харажатлари ҳисобининг назарий масалалари. “Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда солиқ сиёсатининг ўрни” мавзусидаги конференция материаллари. Тошкент, 2016. 147-148 бетлар.*
3. *Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом.*
4. *МҲХС 12-сонли “Фойдадан солиқлар”. 2022.*
5. Сафонова М. Ф. *Теория и методология внутреннего контроля и аудита налоговых затрат. 08.00.12 – Бухгалтерский учет, статистика диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Краснодар, 2017. стр.25.*
6. *Симонов Д.В. Развитие системы управленческого учета и анализа налоговых затрат. Дисс. Орел, 2013*
7. *Дедкова Е.Г. Анализ и прогнозирование налоговых затрат на промышленных предприятиях : дис. канд. экон. наук: 08.00.10. – Орел, 2010. – 23с.*
8. *Абдуллаев А.Б. Солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Дисс. Тошкент, 2020. 49 бет.*
9. *Смирнова С.А. Концепция налогового учета. Практические советы по ведению регистров налогового учета // Новое в бухгалтерском учете и отчетности. - 2002. - № 4. - С. 56 – 64.*
10. *Курбанов З.Н. Солиқ харажатлари ҳисобининг назарий масалалари. “Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда солиқ сиёсатининг ўрни” мавзусидаги конференция материаллари. Тошкент, 2016. 147-148 бетлар.*
11. *Сафонова М.Ф. Теория и методология внутреннего контроля и аудита налоговых затрат. 08.00.12 – “Бухгалтерский учет, статистика” диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Краснодар, 2017. стр.35.*
12. *Абдуллаев А.Б. Солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Дисс. автореферати. Тошкент, 2020. 14 бет.*
13. *Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Тошкент, 2022. (16-модда, 85-модда, 305-модда.)*
14. *Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-741-сонли Қонуни. 2022.*
15. *Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎРҚ-404-сонли Қонунининг 18-моддаси.*
16. *Фойда солиғи ҳисоб-китобини тўлдирish бўйича қўлланма. Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 январдаги “Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига 3-илова, Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 февраль куни 3221-сон билан рўйхатга олинган*
17. *Налоговый кодекс Российской Федерации. 2022.*
18. *Kurbanov, Ziyat Niyazovich, and Komil Khotamov. "ISSUES OF IMPROVING ANALYSIS OF TAXES." СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ РОССИИ И РЕГИОНОВ В ЦИФРАХ СТАТИСТИКИ. 2017.*
19. *Niyazovich, Kurbanov Ziyat. "Organization of Tax Audit in the Republic of Uzbekistan." International Journal of Research in Social Sciences 10.4 (2020): 34-43.*
20. *Исаев, Ф. (2021). Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. Экономика и образование, (6), 86–91. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>*
21. *Исаев Ф. КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА СОЛИҚ ТАҲЛИЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ // Экономика и образование. – 2021. – №. 4. – С. 172-176.*
22. *КУРБАНОВ З.Н., ИСАЕВ Ф.И. НАЛОГОВЫЙ АНАЛИЗ КАК НОВОЕ НАПРАВЛЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОГО АНАЛИЗА // АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА, СТАТИСТИКИ И НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ОРГАНИЗАЦИИ. – 2017. – С. 246-254.*